

Алишер Навоийнинг олим сифатидаги фаолияти унинг нафакат тилшунослик, адабиётшунослик, балки тарихшуносликка доир асарлари билан ҳам белгиланади. У ушбу фан тараккиётига ўзининг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ҳамда “Тарихи мулуки аҷам” асарлари билан улкан ҳисса қўшди [\[1\]](#).

Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” рисоласи ислом дини манбаларига асосланган асар бўлиб, пайгамбарлар – расул ва набийлар ҳамда ҳаким зотлар – алломалар тарихига бағишланган. Шу маънода асарни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин:

1. Анбиё – пайгамбарлар тарихи.

2. Ҳукамо – ҳаким зотлар тарихи.

Даставвал, Одам Ато (а.с.) қиссаси ҳикоя қилинади. Унда Одамнинг яратилиши, Иблиснинг Олий Даргоҳдан қувилиши, сўнг Одам ва Момо Хаввонинг ер юзига туширилиши билан боғлиқ ҳикоялар келтирилади.

Ҳазрат Навоий пайгамбарларни анъанага биноан икки гуруҳга бўлади: расул ва набийлар. Расулларга Аллоҳ китоб ва саҳифа нозил қилган бўлиб, улар “мурсагин” номи билан аталади. Набийлар эса фақат ваҳий олган пайгамбарлар бўлиб, уларга китоб нозил қилинмаган (туширилмаган).

Алишер Навоий пайгамбарлар ҳақида сўзлаб, уларнинг яшаган даврларига тўхталади, аниқ йилларни келтиради (Масалан, Махойил бинни Кинон 865 йил яшаган). Шунингдек, пайгамбарларнинг аҳли аёли, фарзандлари, қасбу қори ҳақида маълумот берилади.

Пайгамбарзодаларнинг хаммасига ҳам пайгамбарлик макоми берилмаган, уларнинг баъзиларигагина Аллохдан вахий тушган. Масалан, Одам Атонинг невараси Ануш, унинг ўгли Кинон кабилар бу шарафга ноил бўла олмаганлар. Шу тарика муаллиф олтишдан зиёд пайгамбар ва пайгамбар авлодларининг хаёти, таржимаи холини батафсил ёритади.

Зикр этилганлар сирасида “Куръон”да номи тилга олинган барча пайгамбарлар, Лукмони Хаким, Зулкарнайн каби вахий тушган ё тушмагани ихтилофли бўлган валий зотларни ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур асарда бир замонда бир неча пайгамбарлар яшагани ҳам айтилади. Масалан, Исхок (а.с.) вафот этган йили Юсуф а.снинг Миср хокими бўлгани ва хоказо. Шунингдек, “Куръон”да тилга олинган “Асхоби кахф” киссаси ҳам мазкур асардан ўрин олган.

Пайгамбарлар киссаси хажман ўзаро фаркланади. Баъзи пайгамбарлар, масалан, Хизр (а.с.) хакида киска маълумот билан чекланилса, Юсуф (а.с.), Иброхим (а.с.), Мусо [2] (а.с.) ва Исо (а.с.)ларнинг хаётига доир жуда кўп воқеалар баён килинади. Алишер Навоий Юсуф (а.с.) хакидаги киссани баён килишга киришаркан, Фирдавсий Тусий ва Абдурахмон Жомийлар ҳам мазкур мавзуда дoston ёзганларини айтиб, ўзининг ҳам туркий тилда маснавий ёзиш нияти борлигини билдириб ўтади.

Мазкур кисмда келтирилган маълумотларнинг бош манбаси Куръони карим бўлиб, муаллиф ўз фикрларини асослаш учун муайян оятларни хавола килиб боради. Яна бир эътиборли жихати, Алишер Навоий пайгамбарларнинг иймони, сабри ва юксак фазилатларини алоҳида тасвирлайди. Масалан, Айюб (а.с.)нинг бошига тушган ташвиш ва балолар ҳам уни Аллохга ибодат килишдан тўсмаганини айтаркан, бу билан севги ва дўстликнинг собит бўлиши хакидаги гоёларини баён килади.

Асарда хар бир пайгамбар киссасидан сўнг муайян шеърый парчалар келтирилади. Шоир уларни “маснавий”, “рубойй”, “байт”, баъзан эса “шеър” ёки “назм” номлари остида бериб боради. Мазкур шеърый парчаларда киссаси хикоя килинган пайгамбар номи тилга олинади ва фалсафий хулосалар чиқарилади.

Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарининг иккинчи кismi ҳукамолар тарихига багишланган бўлиб, бу кism умумий асарнинг тахминан тўртдан бир кismини ташкил этади. Ҳукамолар тарихи анбиёларникига нисбатан киска бўлиб, умумий маълумотлар билан чекланилган. Алишер Навоий Лукмони хаким, Фишогур (Пифагор),

Жомосб, Букрот (Гиппократ), Букротис, Сукрот (Сократ), Афлотун (Платон), Аристотилис (Арасту), Балинос, Жолинус (Гален), Батлимус (Птолемей) каби юнон файласуфлари ва Содик, Бузургмехр каби форс ҳакимларининг, жами ўн уч нафар олимнинг тарихини қисқача ёритади. Хар бир хикоядан кейин анъанавий тарзда бир байт шеър илова қилиб борилади.

Биз мазкур асардаги пайгамбарлар билан боғлиқ анъанавий воқеаларни “Қисаси Рабгузий” ва “Шажарайи турк” каби туркий тилда яратилган бошқа кўплаб асарларда ҳам учратамиз. Умуман олганда, Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари дин тарихига бағишланган асар бўлиб, бу ўринда муаллиф дин тарихи ҳамда юнон фалсафаси билимдони сифатида намоён бўлади.

Алишер Навоийнинг **“Тарихи мулуки Ажам”** (“Араб бўлмаган шохлар тарихи”) асари ўз даври нуктаи назаридан илмий далилларга асосланган рисола ҳисобланади. Асарда Эрон ва Турон мулкида ҳукмронлик қилган тўрт сулола: пешдодийлар, қаёнийлар, ашқонийлар, сосонийлар тарихи батафсил хикоя қилинади.

Анъанага мувофиқ тарих Одам Ато (а.с.) даврига боғлиқ равишда талқин қилинади. Алишер Навоий мазкур асарда “Низому-т-таворих”, “Жомеу-т-таворихи Жалолий”, “Насихату-л-мулук”, “Жовидон хирад”, “Одобу-л-араб ва а-л-фурус”, “Ғузида”, “Мунтахаб”, “Девону-н-насаб” каби манбалардан фойдаланади ва Банокатий, имом Муҳаммад Газзолий, Табарий, Бу Али Мискавайх, Кози Барзовий каби тарихчи олимларнинг номларини келтириб, маълумотларни уларнинг асарларидан олганини айтиб ўтади. Шоирлардан Абулқосим Фирдавсий ва унинг “Шохнома”сига кўпроқ мурожаат қилади. Искандар ҳақидаги қиссада эса ҳамсанавислар Хусрав Дехлавий, Низомий Ганжавийларнинг қарашларини келтириб ўтади.

Алишер Навоий масалага нуктадон муаррих – тарихчи олим сифатида ёндашар экан, хар бир маълумотнинг аниқ ва асосли бўлишига алоҳида эътибор қаратади.

Алишер Навоий пешдодийлар сулоласига мансуб 11, қаёнийлар сулоласидан 9, ашқоний сулоласидан 15, сосонийлар сулоласидан 28, жами тўрт сулоладан 63 ҳукмдорнинг номлари, уларнинг таржимаи холи, ҳаёти ва юритган сиёсатига доир маълумотларни тақдим этади. Деярли хар подшоҳ қиссасидан кейин анъанага мувофиқ “шеър” номи остида қисса мазмунига уйғун байтлар илова қилади. Бундан ташқари, тўрт сулола ҳукмдорлари ҳақидаги қиссаларнинг сўнгида ҳам умумий яқунловчи маснавийлар

мавжуд.

Алишер Навоий мазкур асарида тарихга оид жуда кизикарли ва ахамиятли кўплаб маълумотларни беради. Балх, Бобил, Нишопур, Марв, Самарканд ва яна ўнлаб шаҳарларни бунёд қилган шохлар, Наврўз байрамининг келиб чиқиши, рўзанинг пайдо бўлиши, бутпарастликнинг сабаблари билан боғлиқ воқеалар шулар жумласидандир.

Хазрат Навоий шохлар хақида сўзлар экан, адолатли султонларни олқишлайди, уларнинг хайрли тақдирини мамнуният билан хикоя қилади, золим ва мустабид ҳукмдорларга салбий муносабат билдириб, уларнинг аянчли кечмишига ибрат назари билан боқишга ундайди. Масалан, Жамшид хақидаги хикояда шох Жамшид дастлаб адолатли ҳукмдор бўлганлигини, кейинчалик эса ўз қудратига ишониб, қибру ҳавога берилганлигини ва од амлардан ўзига сизинишини талаб қилганлигини қоралайди.

Алишер Навоий Нўширавони Одил хақида маълумот берар экан, унинг сосонийлар сулоласига мансуб ўн тўққизинчи ҳукмдор эканлигини, отасининг исми Кубод бўлганлигини айтиб, Нўширавоннинг адолатига алоҳида ургу беради ва бир қатор машҳур хикоятларни илова қилади. Хикоятлардан бирида айтилишича, Нўширавон даврида бир киши бог сотиб олади. Бу богдан хазина топиб олгач, бог сотган кишининг олдига бориб, олтинларни унга бермокчи бўлади. Богни сотган одам: “Богга кўшиб, ерни ва ундаги ҳамма нарсани сенга сотганман, олтинлар сенга тегишли”, – деб жавоб беради. Уларнинг бу “можароси” Нўширавоннинг қулогига ҳам етиб боради ва у икки кишини чақириб, куда бўлишни ва хазинани барпо этилажак янги оилага беришни маслаҳат беради. Бу хикоятда ҳукмдор адолатли бўлса, халқда ҳам инсофу иймон бўлади, деган фалсафий ҳулоса мавжуд.

Алишер Навоий Искандар хақида тўхталар экан, унинг тарихи ихтилофли эканлигини айтади ва гарчи, у қаёнийлар сулоласи вакили сифатида келтирилса-да, бу борада ҳам турли тахминлар мавжуд, деб таъкидлайди. Шоир Искандар ва унинг тугилиши, насл-насаби тўғрисида гапира туриб, Хусрав Дехлавийнинг “Ойнайи Искандарий” ва Низомий Ганжавий “Искандарномаси”даги маълумотларни ўзининг “Садди Искандарий”сида келтирган маълумотлари билан қиёслайди. Ўртадаги фарқларни айтиб ўтади. Самарканд, Хирот, Марв ва Исфохонни Искандар бунёд қилгани билан боғлиқ маълумотларни ҳам келтириб ўтади.

Навоий номларини келтирган 63 ҳукмдор ичида уч аёл подшоҳ исми ҳам зикр этилган

бўлиб, улардан бири каёнийларнинг олтинчи хукмдори Хумой ёки Хумондур. У каёнийлар хукмдори Бахманнинг аёли бўлиб, шох вафот этганда хомиладор эди. Бахман жон бериш пайтида тожини аёлининг корнига кўяди ва оламдан ўтгач, аркони давлат Хумойни подшоҳ қилиб кўтаради. Хумой ўғил фарзанд кўргач, салтанатга меҳри зўрлиги ёки ўглининг хавфсизлигини ўйлаб, уни сандикка солиб дарёга оқизади ва сандикка ўглининг подшоҳзода эканини англаувчи ёкутларни ҳам солади. Такдир такозоси билан ўгли улгайиб, онасини топади. Хумой унга давлат бошқарувини топширади.

Алишер Навоий тилга олган кейинги икки аёл подшоҳ сосонийларнинг 27- ва 28-хукмдорлари Турондўхт ва Озармдўхтдир. Шоир уларнинг тахтга чиқиши ва хукмдорлик даври билан боғлиқ кизикарли фактларни келтиради. Бу икки аёл подшоҳ опа-сингил бўлиб, 23-подшоҳ Хусрав Парвизнинг кизлари эди.

Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асари орқали тарих билимдони киёфасида намоён бўлади. Асардаги юзлаб географик номлар, юзлаб шахсларнинг исми-шарифи ҳамда юзлаб воқеалар муаллифнинг кучли хотирасидан ҳам дарак беради.

Асарнинг хотимаси маснавий тарзида бўлиб, 50 байтдан иборат. Унда Навоий бевосита Шох Гозий – дўсти Султон Хусайн Бойқарога мурожаат қилади. Унинг адолати ва саховатини, инсон сифатидаги юксак хулқини мадҳ қилади. Шохни ягона жавҳарга киёслайди ва шунинг учун ҳам унга “Назму-л-жавохир” асарини бағишлаб ёзганини айтади. Ва айнан Хусайн Бойқаро тарихини битиш нияти борлигини билдиради:

Вале азми эмди будурким худой,

Агар бўлса умрумга мухлат физой.

Чекиб турфа тарихингга хомани,

Қилиб нуктага тез хангомани...

...Валодат кунидан тутуб то бу дам,

Борин шарх ила айлагаймен ракам.

Шу тарика хотима-маснавийнинг сўнги байтларида Навоий шохсиз жaxonга омонлик бўлмаслигини айтиб, Хусайн Бойкарога яхши тилаклар билдиради, дуосини йўллайди ва ўзи ҳам дуолардан умидвор эканини айтиб, асарни якунлайди.

Хуллас, Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асари шоирнинг тарихчи олим сифатидаги яна бир мухим киррасини очиш билан биргаликда Шарк халklarининг тарихидан кенгрок хабардор бўлиш имкониятини беради.

Алишер Навоий ўзининг уч устозига багишлаб уч ёднома – манокиб яратган. Манокиб юксак фазилатли, валий ва ўзига хос хислат эгаларининг таржимаи холи, сийрати ва сажиясини акс эттирувчи мумтоз жанр хисобланади.

Шундай асарлардан бири Навоийнинг пири, устози Абдурахмон Жомий хотирасига багишланган **“Хамсату-л-мутахаййирин”** (“Беш хайрат”) асари хисобланади. Муаллиф кириш кисмида асар мундарижасини келтиради. Унга кўра, мазкур асар мукаддима, уч маколат ва хотимадан иборат.

Асар мукаддимасида Алишер Навоий Абдурахмон Жомийнинг насл-насаби, болалиги, умр йўли хакида тўхталади. Шунингдек, Жомийнинг хизматида қачон келганлиги хакида ҳам хабар беради. Шоир мукаддимада Абдурахмон Жомийнинг болалиги хакида хикоя қилиш асносида кизик воқеани келтиради. Бир куни замонасининг пири муршидларидан хисобланмиш Фахриддин Луристоний Жом вилоятига – Абдурахмон Жомийнинг уйларига келади. Ўша пайтларда тўрт-беш ёшлар атрофида бўлган Абдурахмон жуда сезгирлик билан улуг муршиднинг ҳаракатларини кузатади ва шайх бармоқлари билан “Умар” ва “Али” сўзларини хавога ёзса, илгаб олиб, ўқиб беради. Буни кўриб, Фахриддин Луристоний боладаги зийракликдан хайратга тушади. Ҳазрат Навоий Жомийнинг умр йўли билан боглик маълумотларни келтириб, устозининг Шохрух Мирзо замонидан Абусаид замониғача Хирот шаҳрида яшаганлигини айтади. Сўнг авлиё Саъдиддин Кошгарий мазори қошида маскан туттади. Шундан сўнг умрининг охириғача шу ерда яшайди.

Асарнинг иккинчи қисми “Аввалги мақолот” деб аталиб, ҳазрат Навоий ўзи ва устози ўртасида бўлиб ўтган кизик ва ибратли воқеалар, маънавий суҳбатлар хусусида маълумот беради. Мазкур қисмда Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий иштирокидаги ўн тўрт воқеа келтирилган. Уларнинг барчаси турли вақт ва ҳолатларда рўй берган бўлса-да, устоз ва шогирднинг, балки икки дўстнинг меҳру муҳаббати, садокати, ҳамфикрлиги ҳақидаги ҳулосаларни беради. Масалан, Навоий келтирган воқеалардан бирида қотиб Абдуллохнинг Алишер Навоийга шайх Хожа Абдуллох Ансорийнинг “Илохийнома” китобини кўчириб келтирилганлиги қаламга олинади. Қотиб китобни ташлаб кетгач, Алишер Навоий бир варақча кўриш баҳонасида икки қисмдан иборат йирик асарни бир ўтиришда ўқиб тугатиб кўяди. Эртаси куни қотиб Абдуллох шоирдан китобни қайтаришини ёки ҳақини тўлашини сўрайди. Шунда атрофдагилар унга Алишер Навоий китобни кўлига олиб, бир зарб билан ўқиб тугатганлигини айтадилар. Хайратга тушган қотиб: “Кеча китобни ҳазрати Маҳдуми Нуран – Абдурахмон Жомийга ҳам элтиб эдим, ул зот ҳам худди шу тарзда уни хатм қилиб эдилар”, - дейди.

Шунингдек, яна бир кизик воқеа келтирилади: Бир мажлисда Ҳудий исмли ҳофиз Хожа Ҳасан Дехлавийнинг газалини қуйлайди. Шунда газалнинг

Мисоли катри борон сиришки ман ҳам дур шуд,

Чунин асар дихад, алхак, тулуи чун ту сухайле

“Менинг ёмғир томчиси қаби кўзёшларим инжуга айланди, ҳақиқатан, сенинг сухайл юлдузидай чиқини шундай таъсирлантиради” байтига келганда мажлис аҳли мисрадаги “дур” сўздан кўра кўзёшни қонга ўхшатирилганлиги бадиий таъсирчанликни оширади, дейишади. Ҳамма шундай фикр айтиб, Навойдан ҳам фикр сўрайдилар. Шоир газалдаги ифоданинг ўзи чиройли, лекин буни исботлаб беролмайман, келинлар, бир кишини ҳакам қиламиз, у тўғри фикрни айтсин, гаров ўйнаймиз, дейди. Ҳамма рози

бўлади ва газал байти Абдурахмон Жомийга юборилади. Байтдаги “дур” ёки “хун” (“кон”) сўзларининг кайси бири маъкул эканлигини сўрашади. Шунда Жомий:

Сухан дурр асту тааллук бу гўши шах дорад –

“Сўз – дур, шохнинг кулогига тегишли” мазмунидага бир мисрани битиб юборади. Давра ахли жавобнинг нозик ва кискалигидан, Навоий ва Жомийнинг шу кадар хамфикр эканлигидан хайратга тушадилар. Бу воқеа бутун Хиротга таркалиб кетади, мажлисларда узок вақт айтиб юрилади.

Яна бир воқеада бир курилишга сарв дарахтлари кесилиб олиб кетилаётгани билан боғлиқ ҳолат тилга олинган. Аравада курилишга сарв дарахтларини олиб кетилаётганини кўрган Жомий аравакашдан сарв дарахт колдими, нечта ёғоч олиб кетяпман, деб мутойиба билан савол берса, бир юз тўртта дейди. Навоий адад, ахир, сарв ёрнинг қаддига қиёсдир, “қад” [3] сўзининг адади ҳам бир юз тўртдир дейди. Жомий Навоийнинг заковатига қойил қолади.

Асарнинг иккинчи мақолати Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий бир-бирига ёзган хатлари ҳусусида. Бу мактублар Жомий ҳам, Навоийнинг ҳам баъзи асарлари таркибишга киритилган. Айнан шу қисмда Алишер Навоий ўзининг “Тухфату-л-афкор” қасидасининг ёзилиши тарихига ҳам тўхталиб ўтади. Мақолатда ёзилишича, бир қуни Алишер Навоий ва Жомий суҳбатлашиб ўтирганларида Хусрав Дехлавийнинг “Дарёйи аброр” қасидасидан сўз кетади. Сўз асносида Навоий Хусрав Дехлавийнинг “Агар афлок хаводиси ва рўзигор навоийбидин менинг борча назмим замона саҳифасидан махв бўлса ва бу қасидам қолса, менг басдир, невчунким, ҳар киши ани ўқиса билурким, назм мулкида менинг тасарруф ва иқтидорим не мартабада эрқандур” мазмунидаги фахриясини эслаб ўтади. Бироз вақт ўтиб Жомий Маргва равона бўлади. Ҳазрат Навоий Жомий ҳузурига борганида Жомий “Дарёйи аброр”га татаббу тарзида ёзилган “Лужжату-л-асрор” қасидасини Навоий эътиборига ҳавол қилади. Навоий қасидани ўқиб, гоят таъсирланганлигидан йўлда бу қасидага татаббу тарзида матлаъни

битиб, агар Жомийга маъкул келса, уни давом эттириши мумкинлигини айтади. Жомийга бу матлаъ маъкул келиб, уни якунлашга Навоийни илхомлантиради.

“Учинчи маколат”да Жомий яратган асарлар таърифига багишланган бўлиб, мазкур фаслни жомийшуносликнинг пойдевори деб айтиш мумкин. Унда Навоий Жомийнинг 38 асарининг номини келтирган.

“Хотима”да Навоий устози Жомий хузурида ўқиган асарлари рўйхатини келтиради. Бу асарларнинг баъзилари Абдурахмон Жомий каламига мансуб бўлса (“Рисолаи кофия”, “Рисолаи муаммо”нинг иккинчи дафтари, “Рисолаи аруз”, “Лавоех” (“Ялтирокликлар”), “Лавомеъ” (“Равшанликлар”), “Шархи рубоийёт”, “Нафахоту-л-унс” (“Дўстлик таровати”), “Ашиъату-л-ламаот” (“Порлок шуълалар”), “Шавохиду-н-нубувват” (“Пайгамбарлик шохидлари”), “Хафт авранг”), колганлари Хожа Мухаммад Порсонинг “Кудсия”, Фахриддин Ирокийнинг “Ламаот”, Хожа Убайдуллох Ахрорнинг фақр ва фано тўғрисидаги рисолалари, Абдуллох Ансорийнинг “Илохийнома” асари ва бошқалар эди. Шунингдек, хотимада Жомийнинг хасталиги, вафоти, давн килиниш тафсилотлари ҳам келтириб ўтилади. Абдурахмон Жомий вафотидан бир йил кейин Навоий устози кабри устига катта макбара курдиради, Султон Хусайн Бойкаро иштирокида катта маросим ўтказиб, бу маросимда ўзининг вафотига багишлаб ёзган таърих ва марсиясини ўз даврининг машхур нотиги Мавлоно Хусайн Воиз Кошифийга ўқиттиради. Мазкур марсия кейинчалик “Девони Фоний” таркибидан ўрин олган.

“Холоти Саййид Хасан Ардашер” манокими Саййид Хасан Ардашер вафотидан икки йил кейин – 1490-91 йилларда яратилган. Алишер Навоий Саййид Хасан Ардашер билан биринчи марта хижрий 860 йил – милодий 1455-56 йилларда Султон Иброхим Мирзо тахтга ўтирган йили учрашиб, танишган. Буюк шоирнинг бу зотга алохида хурмат ва эхтиром билан караганлигини йигитлик даврида унга багишлаб шеърий мактуб – маснавий битганлиги, унинг номини “Мажолису-н-нафоис”, “Насойиму-л-мухаббат” асарларига киритганлиги, “Хазойину-л-маоний”даги Т
аркиббанд-марсияни буюк зот вафотига багишлаганлиги,
“Сокийнома”да унинг номини алохида эслаб ўтганлиги ҳам кўрсатади.

Навоий бу зотнинг сарф (морфология), нахв (синтаксис), лугат, араб тили, мантик, калом (эътикод илми), фикх (ислом ҳуқуқшунослиги), хадис, тафсир (Куръон оятлари шарҳи), муаммо ва таърих илми, нужум илми (астрономия), адвор (музыка назарияси) соҳаларида мукамал билимга эга бўлса-да, гоят камтарлик ва одоб юзасидан мажлисларда сукут сақлаб ўтиришларини чуқур хурмат билан кайд этади. Саййид Хасан Ардашер Лутфий, Атоий, Муқимий, Навоий, форсигўй ижодкорлардан Хожа Хофиз Шерозий, Саъдий

Шерозий, Фаридиддин Аттор асарларини севиб мутолаа килган. Айникса, хазрат Навоийнинг куйидаги байтларини такрорлаб юришни хуш кўрган:

Фуркатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,

Лолалар эрмаски, багримдин эрур парголалар...

Ул паривашким, бўлубмен зору саргардо анга,

Ишқдин олам манга хайрону мен хайрон анга.

Навоий бу зотни риндлар шохи деб атар экан, Саййид Хасан Ардашер саховат, шафкат, лутфу тавозе, одоб, хилм (юмшок табиатлилик), тахаммул (сабрлилик), дунёга бефарклик каби бошка хамма риндларга хам насиб этавермайдиган кўплаб нодир фазилатлар эгаси бўлганлигини таъкидлайди. Саййид Хасан Ардашернинг бу каби фазилатларини Навоий бир неча воқеалар мисолида исботлаб беради. Масалан, Султон Хусайн Бойкаро хам Саййид Хасан Ардашернинг жуда чуқур хурмат килиб, саройда вазир сифатида ўз ёнида бўлишини истаган. Бирок “риндлар шохи” бўлган Саййид Хасан Ардашер розилик бермайди ва шохнинг раъйини кайтармаслик учун лашкарда оддий навкар бўлиб икки йил хизмат килади. Лекин султон бу билан у зотга зулм килаётганлигини англайди ва хизматдан озод килади. Хусайн Бойкаро ўз фарзандларига Саййид Хасан Ардашерни хашиша ўртак килиб кўрсатган.

Асарда Саййид Хасан Ардашернинг пок эътиқоди, Хакка мухаббати, Аллохнинг тақдирига хамиша рози эканлигини таъкидлар экан, Навоий бир воқеани келтиради. Унга кўра, Саййид Хасан Ардашернинг Саййид Муҳаммад исмли ўн тўрт ёшли яққаю ягона ўгли вафот этганида хамма гаму кайгуга тушганида бу зот “Аллохнинг иродаси”, дея сабр билан мусибатни енгади, хатто, бошқаларга таскин беради.

Хазрат Навоий ва Саййид Хасан Ардашер жуда яқин дўст эдилар. Улар хамиша, хар кунни бир-бирларига маънавий-рухий эҳтиёж сезардилар. Алишер Навоий бу ҳолатни шундай ифодайди:

“...бир кун алар мулозаматига етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди ва алар ҳам келиб аҳвол сўрарлар эрди: “Ташвише бўлмамиш бўғайким, букун сендин хабар топа олмадук”.

Саййид Хасан Ардашер хажга боришни ният қилар эди, лекин кўп монъеликлар бўлиб бу ниятига эришолмайди. Навоий давлат юмуши билан Хиротдан ташқарида эканлигида Саййид Хасан Ардашер етмиш тўрт ёшида вафот этади. Бундан буюк шоир чуқур кайгуга ботади, Хирот шимолидаги тоғ этагида дўсти ва устози ҳисобланмиш бу зотнинг қабри устига сағана қурдиради. Кейинчалик Саййид Хасан Ардашернинг бошқа яқин инсонларининг хоклари ҳам бу ерга келтирилиб, шу ерга дафн этилади. Эл орасида бу жой “Азизлар ҳазираси” – “Азиз зотлар хилхонаси” деб ном олади.

“Ҳолоти Саййид Хасан Ардашер” яқунида бу зотнинг вафоти санасига бағишланган таърихни илова қилади, унга кўра бу сана “Жаннати покаш макон бод” [\[4\]](#) (“Макони пок жаннатда бўлсин”) жумласида намоён бўлади.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, Алишер Навоий Саййид Хасан Ардашерни қомил инсон сифатида тасвирлайди. Асарни ўқиш жараёнида Саййид Хасан Ардашернинг маънавий-рухий дунёси билан яқиндан танишар эканмиз, улуг шоир бу зотни бежиз қомил инсон сифатида танламаганлигига гувоҳ бўламиз.

Хазрати Алишер Навоий учун ҳам дўст, ҳам ота, ҳам устоз маконида бўлган зотлардан бири Пахлавон Муҳаммад эди. Бу зотнинг вафотидан сўнг улуг шоир “**Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад**”

асарини ёзади. Асарда Пахлавон Мухаммаднинг эзгу амаллари, барчага бирдек ёкимли феъл-атвори, кучли салохияти хакида сўз боради.

Навоий Пахлавон Мухаммад хакида сўз бошлар экан, аввало, унинг жисмоний жихатдан забардаст ва кучли бўлганлигини айтади. Хатто, унинг каби кучли инсон беш юз, минг йилларда ҳам тугилмайди, дейди. Сўнг унинг юксак илмий истеъдод ва иктидори хакида тўхталиб, унинг мусика, тиббиёт, шеърият, кофия, аруз, бадий санъатлар, илми нужум (астрономия), фикҳда кенг маълумотга эга бўлганлигини таъкидлайди. Айникса, мусика борасида жуда иктидорли бўлиб, бир неча газалларга куй боглаган эди. Масалан, Устод Мухаммад Хоразмий, Мавлоно Нуъмон, Мавлоно Соҳиб Балхий, Шайх Сафойи Самаркандий, Хожа Юсуф Андижоний каби мохир созанда ва бастакорлар йўлида яратган куйлари тингловчилар томонидан илик кутиб олинган. Айникса, Мир Бузург Термизийга багишлаб кашф қилган “Чохоргоҳ” куйи бутун Хуросонда, хатто, Самарканд ва Ироқда ҳам бағоят машхур бўлиб, уни куйламаган бирор хофиз бўлмаган.

Муаммо илми борасида ҳам Пахлавон Мухаммад тенгсиз бўлиб, “Куштигир” тахаллуси билан бир канча муаммолар яратган.

Пахлавон Мухаммад гоят хушахлоқ инсон бўлиб, уни Хиротда барча таниган-билган инсонлар яхши кўриб, хурмат қилганлар: *“Такаллуфсиз ва муболагасиз подшоҳдин гадогача ва ахлуллоҳдин яхуд ва тарсогача Пахлавонни севмас ва тиламас киши йўк эрди”*.

Шунинг учун ҳам, Пахлавон Мухаммад султон хузурида юксак мавкега эга бўлиб, шохнинг хар бир мажлисида иштирок этган.

Навоий Пахлавон Мухаммад билан боглик хотираларини эсларкан, Абу Саид Мирзо даврида Машаҳадда бўлган кизикарли воқеани келтиради. Мафосил (бод, ревматизм) билан огриган ёш Алишер Навоийни табиб Мавлоно Абдуссалом Шерозий муолажа қилиб, укалаш лозим эканлигини айтади. Пахлавон Мухаммад меҳрибонлик кўрсатиб, ўзи бу ишни бажаришини айтади ва суҳбат орасида ёш шоирдан туркий шоирлардан қайси бирини кўпроқ маъқул кўришини сўрайди. Навоий аввалига ҳамма шоирларни хурмат қилишини айтади. Лекин Пахлавон Мухаммад барибир улар орасида тафовут бор, ўзингга энг маъқулини айт, деб туриб олгач, Навоий Лутфий, дея жавоб беради. Шунда Пахлавон Мухаммад нега Сайид Насимийни айтмадинг, дейди. Алишер Навоий Лутфий мажоз билан сўз айтади, Насимий эса хақиқат йўлидагилар каби Хак ишқни ошқора

куйлайди, сен мендан мажоз йўли билан ижод киладиганларни сўрадинг, дейди. Пахлавон Мухаммад ундай эмас, Насимийда ҳам ишкни мажоз билан ифода этиш бор дейди ва шу куни Навоий тонгда ёзиб, хали ҳеч кимга кўрсатмаган газалини ўкиб беради ва унинг мактаъсидаги Навоий сўзи ўрнига Насимийни кўяди:

Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,

Йўк ажаб, невчунки, хом этган киши ранжур эрур.

Навоий бундан хайратга тушади. Газал ёзилган коғозини текширса, ўз жойида. Эртаси тонгда Пахлавон Мухаммад уч-тўрт кишини етаклаб келиб, бу газални ўн икки йил бурун Абулкосим Бобур мажлисида “тинглаб, ёд олганини” исботлаш учун уларни гувоҳ килади. Улар ҳам бу газални ўша мажлисдан эшитганмиз, деб газални ёддан айтиб берадилар. Навоий эса янаям хайрон бўлади. Кейинчалик маълум бўладикки, шу куни ёш шоирнинг либосларини тикаётди, Пахлавон Мухаммад янги газални топиб, олиб ёд олади ва жойига кўяди. Сўнг эса биз юкорида кўриб ўтган холатни уюштиради. Шундан сўнг Алишер Навоий беморликдан кутулади.

Бу ерда биз Пахлавон Мухаммаднинг бегубор хазилига гувоҳ бўлиш билан биргаликда оёғи боддан азият чекаётган Навоийнинг касалини даволаган ҳам дея оламиз. Чунки ўзи ёзган газални бошқа шоирга нисбат бериб ўқилганидан кейин Навоий бу холатни тахлил қилиб, оёқ огригини ҳам унутиб юборади. Бу эса оёқдаги касалликни бош орқали чиқариб юборишдир, эхтимол.

Навоий ва Пахлавон Мухаммад қирк йил давомида дўсту хамсухбат бўладилар: “*Қирк йилга яқин бу фақир била мусохиби жоний, махрами рози пинхоний эрди*”.

Навоий Пахлавон Мухаммаднинг вафот этганини чуқур алам ва гам билан тасвирлайди. Бир куни Пахлавон Мухаммаднинг шогирдларидан бири унинг ахволи оғирлашиб қолганлигини айтадилар. Навоий табиб юборади. Бироздан сўнг табиблар етиб боргунларича Пахлавоннинг вафот этганлиги тўғрисида хабар келади.

Пахлавон Мухаммад Султон Хусайн Бойкаро унинг учун атаб махсус қурдирган Неъматободдаги даҳмага дафн этилади. Шоир унинг хотирасига бағишлаб ёзган таъриҳида Пахлавоннинг вафоти санаси “баъди Махдуми ба як сол” [5] (“Махдумдан бир йил кейин”) жумласида аниқланади. Чунки Пахлавон Мухаммад махдуми нуран – Абдурахмон Жомийдан бир йил ўтиб, бу фоний дунёни тарқ этган эди.

“Муншаот” асари Алишер Навоийнинг турли вақтда турли шахсларга йўллаган мактубларидан иборат тўплам бўлиб, Мусулмон Шарки иншо санъатининг туркий тилда яратилган юқсак намуналаридан ҳисобланади. Мазкур асар устида адабиётшунос олимлар С. Ганиева, Ю. Турсунов ва К. Эргашевлар илмий изланишлар олиб бориб, “Муншаот”нинг хос хусусиятларига доир тадқиқот ва мақолалар яратганлар.

Хусусан, Ю. Турсунов 2001 йилда “Муншаот”ни бугунги кун ўзбек тилига мослаб, нашр эттирди [6]. Олим мазкур китобнинг сўзбошисида асарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб, “Муншаот”ни нашрга тайёрлаш жараёнида асарнинг бир неча қўлёзма нусхалари қиёсан ўрганиб чиқилганлигини ва улар тарқибидаги мактублар сон жиҳатдан фарқланишини таъкидлайди. Ю.Турсунов Санкт-Петербургдаги Давлат Халқ кутубхонасида 588-тартиб рақами билан сақланувчи “Муншаот” тарқибида 60 та, бошқа қўплаб нусхаларда 90 та атрофида, ниҳоят Алишер Навоийнинг ўзи тузган “Куллиёт”га қиритилган “Муншаот”даги мактублар сони 104 та эканлигини маълум қилади. Олим бу ҳолатни Алишер Навоийнинг мактублари турли даврларда яратилганлиги ва кейинроқ ёзилган хатлар асосида “Муншаот” тарқиби тўлдириб борилганлиги билан изоҳлайди. Ю. Турсунов амалга оширган “Муншаот” нашри Истанбулдаги Тўпқопи саройи кутубхонасида 808-рақам остида сақланаётган Алишер Навоий асарлари куллиётининг қўлёзма нусхаси асосида бўлиб, мазкур нусхадаги “Муншаот” бошқаларига нисбатан тўлиқроқ ҳисобланади, яъни 107 мактубни ўз ичига олади [7].

Мусулмон Шаркида мактуб иншо санъатини ўзида намоён қилиб, унда мактуб битувчининг бадиий салоҳияти, нуқтадонлиги, сўзга ҳассослиги акс этган ва бу хатларда махсус аҳборот етказишдан кўра чуқур мазмуннинг мавжудлиги устувор ҳисобланган. Алишер Навоий “Муншаот” муқаддимасида бу ҳақда тўхталиб, форсий тилда ёзилган мактублардаги жимжимадорлик, нозиклик, мазмунан теран байтларнинг туркий тилда битилган мактубларда мавжуд эмаслигини, аксинча, туркий тилдаги хатларнинг

бадийликдан йирик бўлганлигини таъкидлаб, турли шеърий парчалар билан безалган гўзал мактубларни туркий тилда ҳам ёзиш мумкинлигини исботлаш максидида ўзи ёзган хатларни тўплаб, тақдим этаётганлигини маълум қилади. Хақиқатан ҳам, Алишер Навоий “Мунашот”и таркибига кирган мактублар мохияти билан танишиш натижасида шу нарса маълум бўладики, ҳар бир мактубда турли бадий санъатлар: ўхшатиш, истиора, ташбеҳ, муболага ва сажъ усулидан жуда кўплаб ўринларда фойдаланилган. Бундан ташқари, деярли ҳар бир хатда Куръон оятлари, ҳадислар, рубоий, байт, маснавий, шеърий парчалар келтирилган бўлиб, улар хат юборилган инсонга фикрни янада таъсирчан тарзда етказишда хизмат қилган.

Алишер Навоийнинг “Муншаот” асаридаги мактублар турли воқеа-ҳодисалар муносабати билан шоирнинг дўсти Султон Хусайн Бойқарога, шахзодаларга ва бошқа шахсларга йўлланган бўлиб, улар мазмунан насихат, йўл-йўрик кўрсатиш руҳидадир. Хатларда турли тарихий шахслар номлари, уларнинг ҳаёти билан боғлиқ ибратли жихатлар тилга олиниб, Алишер Навоий бу орқали мактуб йўлланаётган одамни тўғри йўлга чакиради.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг “Муншаот” асари Муслмон Шарки иншо санъатининг юксак намунаси бўлиш билан бирга ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаёти ҳақида хабар берувчи муҳим манба сифатида ҳам гоят қимматлидир.

“Махбуб ул-кулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”) ҳазрат Навоийнинг умри поёнида ёзган сўнги асари бўлиб, 1500 йилда яратилган. Асар ахлокий-таълимий мазмунда, буюк мутафаккирнинг бой ҳаётининг тажрибаси ва ҳулосалари асосида яратилган, Навоийнинг ўзи бу ҳақда асар муқаддимасида шундай ёзади:

“...Бу навъ асхоб ва ахбобга интибоҳ қилмоқ ва аларни бу навъ ҳолатдин огоҳ қилмоқ вожиб кўрундики, ҳар тоифа ҳисолидин вуқуфлари ва ҳар табақа ахволидин шуурлари бўлганки, муносиб эл хизматиға шитоб қилгайлар ва номуносиб эл суҳбатидин ижтиноб вожиб билгайлар ва бори эл била махфий розларин сўзлашгайлар ва шаётин ва инс макру фирибдин бозий емагайлар. Ва ҳар навъ эл суҳбат ва хусусиятики, аларга хавас бўлгай, бу фақирнинг тажрибаси аларга бас бўлгай”.

“Махбубу-л-кулуб” асари 3 қисмга бўлинади. Биринчи қисм “Халойик аҳвол ва афъол ва ақволининг кайфияти” деб аталиб, 40 фаслни ўз ичига олади. Унда султонлардан тортиб дарвешларгача бўлган 49 ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг тавсифи келтирилади.

Навоий биринчи фаслда аввалги асарларида бўлгани каби хукмдор энг аввало адолатли бўлиши керак деган масалани кўяди ва одил подшо Аллохнинг фукарога юборган раҳматидир, унинг адолати мамлакатга омонлик ва фаровонлик олиб келади дейди:

“Одил подшоҳ ҳақдин ҳалойикка раҳматдур ва мамоликка мужиби амният ва рафоҳият”.
Навоий ана шундай одил подшо сифатида Султон Хусайн Бойкарони мадҳ этади:

Бори бенаволар навосози ул,

Ҳамул навъким, Шох Абулгози⁵ ул,

Келиб айни инсону инсони айн,

Жаҳон вориси Шох Султон Хусайн

Ки, то бўлса гардунга давворлик,

Анга бокий ўлсун жаҳондорлик.

Шунингдек, биринчи қисмда вазирлар, ноиблар, муфтийлар, котиблар, табиблар, шоирлар, дехконлар каби турли тоифа вакиллари таърифлари ҳам келтирилганки, бу фикрлар бугунги кун учун ҳам ибратли бўлиб, жамият кишилари учун дастуриламал бўла

олади.

Асарнинг 10 бобдан иборат иккинчи кисми “Хамида афъол ва замима хисол хосиятида” деб номланиб, ахлокий масалаларга багишланган. Мазкур кисм “Хайрату-л-аброр” достони сингари муайян ахлокий масаланинг тавсифи ва унга илова килинган хикоят баёнидан иборат. Хусусан, биринчи фасл “Тавба зикрида” деб аталган. Маълумки, тавба тасаввуф макомларидан биринчиси бўлиб, бунда солиқ Хакка етишиш йўлида гов бўладиган жамики нарсалардан юз ўгиришга катъий жазм килади, бутун интилиши, таважжухини Аллохга каратади, аввалги хаёт тарзидан бутунлай воз кечади. Навоий тавбага таъриф бериб, шундай ёзади:

“Тавба мужрим банданинг вакти кўзгусин исён зангидин оритури ва ниёз мускили билан ёритур... Бу мартаба тариқат ахлининг аввалги гомидур ва мақсад водийсининг аввалги манзилига хомийдур...”

Таърифдан сўнг Навоий тавба макоми билан боглик хикоят келтиради. Хикоятга кўра, буюк Шайх Абдулло Муборак (ваф. 171/787—88) бир канизак ишкига гирифтор бўлади. Киш кечаларидан бирида тонгга қадар маъшука девори остида туради. Кор ва совукда қолади. Сахар намози азонини хуфтон деб ўйлайди. Ўзига келгач, дейди: - Эй Муборакнинг номуборак ўгли, сенга уят эмасми? Агар Имом намозда узунрок сура кироат қилса, толикардинг. Энди нафсинг хавосига тонг отқунча мундог азоб тортарсен». Шундан сўнг Абдуллох Муборак тавба қилиб, сулукка берилади.

Шунингдек, мазкур кисмда яна зуҳд, таваққул, қаноат, сабр, тавозуъ ва адаб, зикр, таважжух, ризо, ишқ қаби ахлокий масалалар таърифи ва уларга илова қилинган хикоятлар баёни ҳам келтирилган.

Асарнинг учинчи кисми “Мутафаррика фавойид ва амсол сурати” деб аталиб, турли фойдали пандлар ва хикматларни ўз ичига олади. Асарда улар “танбех” номи билан аталиб, жами 127 та танбех келтирилган. Танбехларнинг аксарияти ҳадислар мазмуни билан уйғунлик қасб этади. Хусусан, 30-танбех

“Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига раво кўрган нарсасини биродарига раво кўрмагунча, чин мўъмин бўлолмайди” ҳадисига мазмунан яқинлигини кўриш мумкин:

“Харкимки, биров била ёрдур ёки ёрлиг даъвийси бордур, керакким, ўзига раво тутмогонни ёрига раво тутмаса, кўп нимаким, ўзига хам раво тутса, анга тутмаса. Бас машаккатким, андин рухга алам етар, киши ани ўз жисму жонига тажвиз этар. Аммо ани ёрига тахайюл кила олмас, агар тахайюл килса, вахшатидин хаёти колмас.

Китъа:

Ёр улдурки, хар нечаким ўзига

Истамас, ёрига хам истамагай.

Ўзи истарки, ёр учун ўлгай.

Ани мунда шарик айламагай.

Алишер Навоийнинг “Махбубу-л-кулуб” асари бадий жихатдан хам юксак савияга эга. Асарда кўлланилган сажъ (настрий кофия) усули асарга мусикий оханг багишлаб, унинг таъсирчанлиги ва бадий жозибасини оширган. Асарда келтирилган кичик хажмли хикоялар, шеърий парчалар, маколлар кўйилган масалаларга якун яшаш, “киссадан хисса” чиқариш вазифасини бажарган. Умуман олганда, Навоийнинг мазкур асари буюк мутафаккир меросининг муҳим ва кимматли ёдгорлиги бўлиб, XV асрдан кейинги бадий наср тараккиётига самарали таъсир кўрсатди.

Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Махбуб ул-кулуб. Муншаот. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 14-жилд. – Т.: Фан, 1998. – Б.5-230.
2. Навоий Алишер. Хамсат ул-мутахаййирин. Холоти Саййид Хасан Ардашер. Холоти Пахлавон Мухаммад. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15-жилд. – Т.: Фан, 1999. – Б.7-122.
3. Навоий Алишер. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки Ажам. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 2000. 16-жилд. – Б.99-260.
4. Махбубул-кулуб / Насрий баён муаллифи И.Махсумов. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1983.
5. Муншаот (Мактублар) / Изохли баён муаллифи: Ю. Турсунов. – Т.: Маънавият, 2001.
6. Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул ахамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Т.: O'zbekiston, 2011.
7. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr – O'zbekiston NMIU, 2009.
8. Каюмов А. Дилкушо такрорлар ва рухафзо ашъорлар. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

9. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд (XV асрнинг иккинчи ярми). – Т.: Фан, 1977.

[1]Академик Азиз Каюмов бу асарларни аслида умумий тарих китобининг бўлаклари деб хисоблайди. Олимнинг фикрича, Навоий яшаган даврда тарихшуносликда мавжуд анъанага кўра муайян хукмдорнинг тарихини ёзишдан аввал пайгамбарлар тарихи, сўнгра 4 Ажам сулолалари тарихи, Ислом даври тарихи, ундан сўнгина замон тарихига ўтилар эди (Бу ҳақда қаранг: Каюмов А. Дилқушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар)

[2]Асар билан танишиш жараёнида баъзи пайгамбарлар қиссалари билан бошқа халқлар ижодида мавжуд эпос ёки ҳикоятлар билан ўхшаш ҳолатларни учратамиз. Масалан, арман эпоси “Довуд Сосуний”да тилга олинган Миср шоҳи Малик, унинг аёли Хондуг хотун ҳамда унинг асраб олган ўғли ҳақидаги воқеалар билан Мусо (а.с.)ни Фираъвннинг аёли Осия асраб олгани билан боғлиқ ҳолатларда жуда аниқ ўхшашликлар кўзга ташланади (Бу ҳақда қаранг: Наири Зарьян. Довуд Сосуний. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1976. – Б. 114.).

[3] “Қад” сўзи абжад ҳисобида 104 рақамини ҳосил қилади. Бунда □ - 100, □ - 4 ни билдиради.

[4] Абжад ҳисобида бу сана ҳижрий 894, милодий 1488 ёки 1489 йилга тўғри келади.

[5] Абжад ҳисобида бу сана 899 ҳижрий, 1493 милодий йил чиқади.

[6] Навоий Алишер. Муншаот: (Мактублар) / Изохли баён муаллифи: Ю. Турсунов. – Т.: “Маънавият”, 2001 – 152 бет.

[7] МАТнинг 14-жилдига киритилган “Муншаот” таркибида 103 та мактуб келтирилган.

Дилнавоз Юсупова